



ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА МОЙИЛ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор.

Қурбонбоев Хуршидбек Санъат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 319-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17746305>

ARTICLE INFO

Received: 11th November 2025
Accepted: 12th November 2025
Published: 28th November 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, таълим
муассасалари, ижтимоий
реабилитация, профилактика
инспектори, талабалар.

ABSTRACT

Мақолада профилактика инспекторининг таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган талабалар билан ишлашда якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини такомиллаштиришнинг аҳамияти ёритилади.

Ўзбекистонда таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка мойил талабалар билан ишлаш, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашга қаратилган. Мазкур соҳада профилактика фаолияти, жумладан, профилактика инспекторларининг якка тартибдаги иши, талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларни ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу мақолада таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликка мойил талабалар билан профилактика инспекторлари томонидан амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактика фаолиятини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Асосий мақсад — таълим муассасаларида жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва камайтириш, профилактика фаолиятининг самарадорлигини ошириш, профилактика инспекторларининг иш усулларини такомиллаштириш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини аниқлашдан иборат.

Ҳудудларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва талабалар орасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш борасида профилактика тадбирлари муҳим ўрин тутди. Бу жараёнларда ички ишлар органлари, таълим муассасалари ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлиги, ёшлар билан ишлашда самарали механизмларни яратишга хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” [1] нинг 50-моддасида таълим борасидаги асосий ҳуқуқлар мустақамланган бўлиб, унга кўра ҳар бир фуқаро таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими ва унинг турлари, шакллари ривожини таъминлайди. Шунингдек, мактабгача таълим ва тарбияга эътибор қаратилган ҳолда, давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурий ҳисобланади, мактабгача таълим ва тарбия давлат назоратида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”[2]ги ЎРҚ-371-сон Қонуни талабалар орасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид асосий ҳуқуқий манба бўлиб, мазкур қонун 3-моддада **"ижтимоий реабилитация"** ва **"ижтимоий мослаштириш"** тушунчаларини аниқлайди. Бу тушунчалар ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг жамиятга мослашиши ва жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида изоҳланади. Хусусан, **"Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс"** [3] деб белгиланган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар фақат профилактика инспекторларининг ёки ички ишлар органларининг иши эмас? Балки Таълим муассасалари ва уларнинг раҳбариятининг роли, уларнинг қонунга мувофиқ вазифалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”[4]ги ЎРҚ-371-сон Қонунининг 9-моддасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи 14 та органлар ва муассасалар тизими белгиланган бўлиб, улар орасида таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳам келтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг **17-моддасида** таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва камайтириш борасида аниқ вазифалар юкланади. Унга кўра:

- **Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;**
- Талабалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- **Қонунга итоаткорлик** хулқ-атворини шакллантиришга йўналтирилган дастурлар ва услубларни ишлаб чиқиш;
- **Ижтимоий реабилитация ва мослаштириш** чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил талабаларни аниқлаш;
- Талабаларнинг **бандлигини** ва **бўш вақтини мазмунли ўтказишини** таъминлаш (спорт секциялари, клублар ва тўғарақлар ташкил этиш);
- **Ўзаро ҳамкорлик** олишда бошқа органлар ва муассасалар билан фаолият олиб бориш;
- **Ички ишлар органларига** ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий хулқ-атвор тўғрисида маълумот бериш.

Худуддаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда таълим муассасалари ва ички ишлар органлари ўртасидаги **ўзаро ҳамкорлик** муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йил 23 сентябрдаги **"Таълим тўғрисида"**[5]ги ЎРҚ-637-сон Қонуни талабаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини, жумладан, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий реабилитация қилишга доир қоидаларни белгилайди. Бу қонун таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига

қаратилган давлат сиёсатини, шунингдек, таълим муассасаларида ижтимоий, психологик ва педагогик хизматларнинг аҳамиятини белгилайди.

Шу билан бирга, **Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”** [6]ги ПФ-27-сон Фармонида Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган 22 та вазифалар рўйхати келтирилган бўлиб, айнан тўртинчи вазифаси қуйидагича белгиланган:

"Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни белгиланган тартибда профилактик ҳисобга ва маъмурий назоратга олиш, улар билан яқка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий мослаштириш ишларини индивидуал дастур тузган ҳолда ташкил этиш".

Бу вазифа, ўз навбатида, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, профилактик ҳисобга олиш ва улар билан индивидуал профилактика тадбирларини амалга оширишнинг аҳамиятини кўрсатади. Бу амалга оширилиш жараёни талабаларнинг ижтимоий мослашуви ва уларни жамиятдаги қабул қилинган хулқ-атвор нормаларига мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

Мазкур масалага жамоатчилик эътибори ҳам жуда муҳим. Масалан, 2025 йил 5 сентябрь куни Сенатнинг 10-ялпи мажлисида талабалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазири **Қўнғиротбой Шарипов**га парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала кўриб чиқилган. Таъкидланганидек, масъуллар томонидан ушбу йўналишдаги ишлар етарли даражада ташкил этилмагани, талабалар ўртасида носоғлом муҳитнинг юзага келишига ва айрим ҳолларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка олиб келиши кузатилган.

Статистик маълумотларга кўра, 2024 йилда олий таълим муассасалари талабалари иштирокида **761 та жиноят** содир этилган. 2025 йилнинг 6 оyi давомида эса **102 та олий таълим муассасасининг 307 та талабаси** томонидан жиноят содир этилгани бу масалага жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Жиноятларнинг асосий қисмини **йўл-транспорт ҳодисалари, ўғрилик, тан жароҳати етказиш, безорилик, фирибгарлик** каби жиноятлар ташкил этган.

Бу борадаги ишлар муҳимлиги **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони** [7] билан қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида ҳам ўз аксини топган. Стратегиянинг **I-йўналиши “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш”** деб номланган бўлиб, унда **1.1. Таълим тизими ислохотлари** мақсади аниқ белгиланган. Бу мақсадга қуйидаги 8 та вазифа киритилган:

<p>Олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш.</p>	<p>5 та олий таълим муассасасини миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантириш.</p> <p>Қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 минг ўринли талабалар турар жойларини қуриш.</p> <p>Кутубхоналарни камида 1 миллион та замонавий адабиётлар билан тўлдириш ва кутубхона фондиди тўлиқ рақамлаштириш.</p>
--	--

Юқоридагилардан келиб чиқиб, профилактика инспекторининг асосий вазифаларидан бири талабалар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан яқка тартибда ишлашдан иборат. Ижтимоий мослаштириш ва реабилитация дастурлари талабаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ва уларни жамиятга мувофиқ тарбиялашга қаратилган муҳим жараёнлардир.

Бу жараёнда, таълим муассасаларида хавфсиз ва ижобий муҳит яратиш, талабаларни фаол ва масъулиятли фуқаролар сифатида шакллантириш мақсадида профилактик ишларнинг самараси муҳимдир. Ушбу профилактика фаолиятлари, фақат таълим муассасаларида эмас, балки жамиятда ҳам ҳуқуқбузарликларни камайтиришга ёрдам беради ва миллий хавфсизликни таъминлашда муҳимдир.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
5. Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони.



INNOVATIVE
ACADEMY